

Чингизхон: «Хоинларни ўз сафимизга қўшмаймиз!»



15:45 / 29.11.2022 3031

Чингизхон Бухорога илк бор ҳужум қилганида шаҳарни эгаллаб олишга ожизлик қилди. Сўнг ҳийла қилиб, шаҳар аҳлига «Ким биз томонга ўтса, омонлик берамиз», деб мактуб ёзди. Мактубни ўқигач, шаҳар аҳолиси иккига ажралди: бир томон Чингизхоннинг таклифини рад этиб, охириги томчи қони қолгунича жанг қилишга, шаҳарни ва унинг аҳолисини мудофаа қилишга аҳд қилди; иккинчи томон эса қўрқиб, душман тарафга ўтишга, уларга таслим бўлишга рози бўлди. Чингизхон ўзи томонга ўтганларга «Таслим бўлишга кўнмаётганларга қарши жангда бизга ёрдам берсаларинг, сенларни ўз юртингга ҳоким қиламиз, султон бўласанлар», деб мактуб ёзди. Хоинлар, қўрқоқлар Чингизхон томонга ўтиб, унинг қўшинидан жой олишди. Бир халқнинг иккига ажралган фарзандлари ўртасида қонли жанг бўлди. Афсуски, жангда мўғуллар томонга ўтганлар

ғалаба қозонишди...

Жанг тугагач, Чингизхоннинг биринчи иши ўзи томонга ўтганлардан қурол-аслаҳани тортиб олиб, ҳаммасини сўйишни буюрдти. Сўнг ўзининг машҳур гапини айтди: «Ўз ватандошига хиёнат қилганлар бизга ҳам хиёнат қилади».

Биродарлар (миллатдошлар, ватандошлар) ўртасида хоинлик ҳамон давом этар экан, бегоналар бугунги кунимизгача бу вазиятдан фойдаланиб келмоқда.

Манба: Ибн Асир раҳимаҳуллоҳнинг «Ал-Комил фит-тарих» асари.

Таржимон: Нозимжон Ҳошимжон